



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqa boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 17-oktabr, shanba • № 42(4143)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

2015 йил 18 сентябрь № 13 Тошкент шаҳри

СУДЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ ТУГАЛЛАНИШИ ВА ОЛИБ ТАШЛАНИШИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ҚўЛЛАШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, судланганлик шахснинг, унга суд ҳукми билан жазо қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ва умум-ҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади.

Жиноят кодексининг (бундан буён матнда — ЖК) 77-моддасига мувофиқ, судланганлик ҳолати жазо тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади.

2. Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят қонунини судланмаган ҳисобланадиган ҳоллар мавжуд. Жумладан, қуйидаги ҳолда шахс судланмаган ҳисобланади, агар унга нисбатан:

жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖК 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзида асосий ва қўшимча жазодан биринчи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖК 69, 75, 76-моддалари) бўлса;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖК 94-моддаси).

Қуйидаги асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади:

жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖК 64-моддаси);

қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан (ЖК 65-моддаси);

айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖК 66-моддаси);

жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖК 66-1-моддаси);

жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли (ЖК 67-моддаси);

амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖК 68-моддаси).

3. Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда келиб чиқади ва қуйидагиларда ифодаланади:

судланганлик қатор ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади;

судланганлик муайян ҳолларда шахсни ўта хавфли рецидивист деб топилишига асос бўлади (ЖК 34-моддаси);

судланганлик, агар шахс муқаддам озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазони ўтаган бўлса, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш учун аҳамият касб этади (ЖК 50-моддаси);

судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади (ЖК 56-моддаси);

(Давоми 9-бетда).



Саммитнинг асосий тадбирлари 16 октябрь куни бўлиб ўтди.

МДХ давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар бўйича фикр алмашдилар.

Учрашувда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мажлисда яқин ва узоқ мамлакатларда вазият кескинлашиб, шиддат билан ўзгариб бораёт-

МДХнинг

Қозоғистон саммити

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йил 15-16 октябрь кунлари Қозоғистон Республикасида бўлди ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

гани инobatга олинган бўлса, МДХ давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви ўз вақтида ўтказилганини таъкидлади.

Айниқса, радикализм, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи ортиб, низо ва қарама-қаршиликлар кескинла-

шиб бораётгани катта хавотир уйғотмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани ва Ҳамдўстлик давлатларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди.

(Давоми 2-бетда).

Репортаж

ШАРАФЛИ ХИЗМАТ САРИ

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ўқув-дала полигонида фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб, ички ишлар идораларининг турли соҳавий хизматларига офицерлик лавозимига қабул қилинган ходимлар касбий тайёргарлик ўқув йиғинида иштирок этаяпти. Улар бу ерда танлаган йўналишлари бўйича тажрибали устозлардан соҳа сирларини ўрганиб, маҳоратини оширишмоқда. Яқинда уларнинг ички ишлар идоралари ходими сифатида тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.



Вазирлик ҳамда Академия раҳбарияти минбарга кўтарилган, тингловчилар тантанали маросимга тайёр экани тўғрисида ахборот берилди. ИИБ Академияси бошлигининг ўринбосари, подполковник Т. Азимов тадбирни очар экан, аввало, она-Ватани, Президенти ва халқига содиқ бўлишга қасамёд қабул қилиш арасида турган осойишталик посбонларини бу унутилмас кун билан муборакбод этди. Шунингдек, мазкур ўқув йиғинини ташкил этишдан мақсад, осойишталик посбонларида жисмоний ва жанговар, касбий, махсус, тиббий тайёргарликни шакллантириш, ички ишлар идоралари ходими деган шарафли номга муносиб

қилиб тарбиялаш эканини таъкидлади.

Шундан сўнг тингловчилар доимо ўз бурчини виждонан бажаришга, зиммасига юклатилган вазифаларни чуқур англаб, Ватанига ва халқига садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қабул қилишди.

Тингловчилар қасамёд қабул қилиб бўлгач, Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев уларни табриклаб, келгуси фаолиятларига омадлар тилади.

— Бугун ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходим, энг аввало ватанпарвар, юксак жисмоний ва жанговар тайёргарликка эга, ўзи танлаган соҳа-

нинг етук мутахассиси бўлиши шарт. Сиз мустақиллигимизни асраб-авайлашга, Ватанимиз ва халқимизга содиқ бўлишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга яқинларингиз ва кенг жамоатчилик олдида тантанали равишда ваъда бердингиз. Сизнинг асосий вазифангиз фуқаролар хавфсизлиги, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жамиятга жиддий хавф соладиган диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда энг олдинги сафларда бўлишдан иборатдир, — деди вазир ўринбосари ўз нутқида.

(Давоми 3-бетда).

УШБ
СОҲДА

4-бет

МАРД
ЙИГИТ
ЮРТ
ҚЎРИҚЛАР



БИЛИМ, МАҲОРАТ
ВА СИНЧКОВЛИК

7-бет




Саломатлик
сабоблари



ГРИППДАН САҚЛАНИНГ

11-бет

ҚАЙТА ТУГАН КҮН



12-бет

14-бет



БАРАКАЛЛА,
ЖАҲОНГИР!



ДОНИШМАНДИМ, ОЛТИН КУЗ

Қатра

Биласанми, сени илк бор қаерда кўрганман? Мевалари фарқ пишган ораста богда. Хосили мўллигидан шохларини кўтара олмай қолган дарахтларнинг барглари орасидан мўралаган, нурлари танга ёқиб турган қуёш нурлари билан сирлашаётган ўша лаҳзаларингда сени таниганман. Ушандан буён сенга ошиқман.

Сени англай бошлаганимга жуда кўп бўлди. Лекин ҳали-ҳамон тўлиқ англай олганим йўқ. Зеро, сенинг сирсиноатинг, бағрингда яширган сирларинг шунчалик кўпки, бунчалик муаззам хаёл қошида бирпас довдираб қоламан. Сендаги сирлилик, асрорларга бурканган жилвакорлик умидларимни ёруғликка етаклаб кетади.

Олтиним дегим келади сени. Донишмандим деб эркалайман ҳар гал соғинганимда, кўрганимда. Неъматларингдан бахраманд бўлган


кезларим эса сахийликда тенги йўқ сиймога айланасан мен учун. Мен учун файзу барака, баркамоллик тимсолисан сен.

Дунё ёруғ, олам гўзал. Ҳаёт бетакрор. Умр энг ноёб соғва. Мана шундай бахтиёрлик оралаб яшар эканман, яна ва яна хаёлларимни банд этасан, ўзингни эслатаверасан. Ахир, сен мен учун аллақачонлар баркамоллик рамзига айлангансан. Донишмандликка йўғрилиб кетгансан.

Сен шундай мўъжиза, шундай улугворсанки, жим туриб менга ҳаёт аталмиш китобдан сабоқ берасан. Ўз соқинлигинг

билан йўл кўрсатасан. Муаззамлигинг, сирлилигинг менга қанот бағишлайди: ўша сирларни ечгим, донишлигинг сабабини билгим келади.

Йил ўз юқини ортмоқлаб сўнгги манзилига қараб йўл олаётганида бир зум қошингда тўхтади. Сен билан ҳамсухбат бўлади. Ўз кечмишлари, кўрмишларини сарҳисоб қилганича хаёлларга берилди. Куз шамолларида учган мезонларга тикилганича янги ҳаёти учун режалар тузаётган паллада улугворлигинг бор бўйи ила намоён бўлади, донишмандим, олтин куз!



Мезон, шамолларинг эркадир бирам – Кўнгилини, тўйғуни аллааб ўтар. Дейдилар, бу дунё асли бири кам, Фақат сен борингда ўша кам тўлар!

Кузим, хаёлларинг муаззам, азим, Баргинг – боқийликка битилган мактуб. Олтиним, ҳар лаҳзанг шунчалар азиз – Йил бўйи яшайман сенга интиқиб.

Сен-ку юрагимни ҳисларда ёқиб Лаҳзамга бахт деган ёрлиқ битасан. Яшайвераман абад ишқингда ёниб – Ахир, шу ҳолингча менга ёқасан!

Гули Нигор АБАЗОВА.



Кутлов



Ҳаётдаги ҳар бир муваффақият фақат тасодиф ёки омадга боғлиқ эмас. Аксинча, бирон-бир ютуққа эришиш учун инсон мунтазам ўқиб-ўрганиши, изланиши, билими ва қобилиятини, тўплаган тажрибасини амалда муваффақиятли қўллай олиши зарур. Энг муҳими, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларга қарамай, ўз олдида қўйган мақсад рўёби учун олға интилиши лозим. Ҳамкасбимиз, ИИБ Бирлашган тахририяти бўлим мудирини Георгий Петросян эришган ютуқлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШНИНГ ТОТЛИ МЕВАСИ

Журналистика ва адабиёт йўналишидаги кўплаб республика ҳамда халқаро танловлар ғолибига айланган фидойи ҳамкасбимиз яқинда Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиладиган «Қалқон ва қалам» танловида қатнашиб, яна бир бор зафар кучди. Унинг мамлакатимиз ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги самарали фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалари танлов ҳакамлари томонидан муносиб эътироф этилди.

Яқинда Россиядан яна бир хушхабар келди. Москва шаҳридаги «Мосприрода» ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган «Азиз, жонажон юртим» номли халқаро адабиёт танловида ўзининг «Болалиқдаги жайронларим» ҳикояси билан иштирок этган Георгий Андреевич мазкур нуфузли танловнинг ғолиби деб топилди. Интилувчан ва фидойи ҳамкасбимизни ушбу ютуқлар билан чин дилдан қутлаймиз. Серқирра ижодий фаолиятида унга омад ва зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

ИИБ Бирлашган тахририяти жамоаси.

ОБУНА — 2016



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари – «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ШИТ» журналларига 2016 йилнинг биринчи ярми учун обуна бошланди.

Вазирлик нашрлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятларини ёритишда ва уларни халқ билан ҳамкорлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Маърифат ва сиёсий ўқиш» рукнида чоп этилаётган мақолалар осойишталик посбонларининг касбий маҳорати, ҳуқуқий ва маънавий савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Нашрларимизнинг «Қонунчиликдаги янгиликлар», «Қонунчилик тарғиботи», «Детек-

тив», «Жиноят ва жазо», «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукнларида бериладиган материаллар, терговчи қайдлари, суд очерклари, савол-жавоблар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий.

Газета-журналларимиз фарзандларингизни қонунга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Обуна бўлишга шошилинг! Кечикиб, армонда қолманг!

Обуна бўйича қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: (371) 231-48-81, (+99895)177-32-31

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas‘ul kotib v.b. – **Zokir BOLTAYEV**

MUASSIS: **О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Navbatchi – **Mixli SAFAROV**
Sahifalovchi – **Rustam ISOQULOV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR:
231-33-88;
Faks: 254-18-79.



Tahririyat hisob raqami 2021000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod tuman bo‘limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda «Postda»dan olinganligi ko‘rsatilishi shart.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №S-4109. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 67847 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00. O‘ZA yakuni – 00.15. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi, 1-uy.